

НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА

*Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!*

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 22-avgust, shanba, 92 (23.372)-son


**Кун ҳикмати**

Фикрларни қайд қилиб бориш хотирани ушлашнинг энг қулай усулидир



## СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## Раҳбарлар депутатларга ахборот берди

**21 август куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўн иккинчи сессияси бўлиб ўтди.**

**Сессияни Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Э.Турдимов бошқарди.**

ZOOM дастури орқали онлайн тарзда ташкил этилган сессия ишида вилоят Кенгаши депутатлари билан бирга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари У.Иноятов ва Самарқанддан сайланган депутатлар, Сенат аъзолари қатнашди.

Сессияда дастлаб вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Д.Жуманиёзовнинг карантин тартиблари босқичма-босқич юмшатиб борилиши муносабати билан фуқаролар санитария талабларига қатъий риоя этишлари зарурлиги, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг ўз вақтида ва сифатли кўрсатилиши юзасидан вилоят аҳлига мурожаати эшитилди.

– Республика махсус комиссиясининг июль-август ойларида жорий қилган карантин чекловлари натижасида ҳозирги кунда вилоятимизда коронавирус билан касалланиш анча камайди – деди Д.Жуманиёзов. – Натижада, Самарқанд шаҳридаги 3 та шифохонамиз коронавирус билан касалланган беморларни қабул қилишни тўхтатиб, ўз профили бўйича тиббий хизмат кўрсатишни бошлади. Самарқанд шаҳридаги олимпия захиралари спорт мажмуасида ташкил қилинган 1080 ўринли даволаш ва тақсимлаш маркази беморларга самарали хизмат кўрсатмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан вилоятимиздаги профилактика муассасаларига 20 миллиард 880 миллион сўмлик 50 турдаги 1598 дона замонавий тиббий асбоб-ускуналар берилди. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги ёрдами билан 1220 дона кислород баллонлари, 75 та кардиомонитор, 2000 та бобров аппарати, 1500 та пульсоксиметр келтирилди. Тез тиббий ёрдам хизмати сифатини ошириш мақсадида 83 дона "Damas", 10 дона "Volkswagen" ва 2 дона "Isuzu" русумли махсус автомашиналар харид қилинди.

Шундан сўнг, вилоят прокурори Ф.Зуфаровнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда 2020 йил 6 ойи давомида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти юзасидан ахбороти эшитилди.

Ахборотда қайд этилишича, ҳисобот даврида кўрилган чоралар, давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг доимий равишда ўрганилиши натижасида 6056 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 1343 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Прокурорларнинг қарор ва тақдимномалари асосида 2012 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Ноқонуний қарорларга 1349 та протест келтирилди ҳамда судларга 19 миллиард сўмлик 614 та даъво аризалари киритилди.

- 59 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этган 19 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Вилоятда йилнинг биринчи ярмида 1808 та жиноят ҳисобга олинди. Бу ўтган йилга нисбатан 484 та (36,6 фоиз)га кўпдир.

Сессияда вилоят адлия бошқармаси бошлиғи С.Нуриевнинг 2020 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати юзасидан ахбороти ҳам тингланди.

Таъкидланишича, ҳисобот даврида вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят ҳокимлигининг 9 та, туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликларининг 48 та норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган қарор лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, уларнинг 51 тасига ижобий хулосалар берилган. 6 таси белгиланган талабларга жавоб бермаганлиги учун қайтарилган. Шунингдек, Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармаси томонидан тасдиқланган иш режага мувофиқ Жомбой, Нуробод, Паст Дарғом, Булунғур, Самарқанд туманлари ҳамда Самарқанд шаҳар ҳокимликларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти ўрганилиб, ҳокимликлар томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича 6 та тақдимнома киритилди. Кўрилган чораларга асосан мазкур ҳокимликлар томонидан қабул қилинган 69 та қарор ва фармойишлар бекор қилиниб, 50 та қарорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилиши таъминланди.

Депутатлар халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиясининг вилоятда қурилиш соҳасида қоида ва меъёрларга нечоғлик амал қилинаётгани, бу борадаги қонунбузилиш ҳолатларига қарши курашиш юзасидан олиб борилаётган ишлар юзасидан 2020 йил 19 июнда юборилган Кенгаш сўрови юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуровнинг ахборотини ҳам тинглаб, ушбу масалани қизғин муҳокама қилдилар.

А.Шукуров Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги қарорига асосан 367,8 миллиард сўм маблағ эвазига вилоят бўйича 101 та ижтимоий соҳа объектида қурилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилаётганини қайд этди. Уларни ўз вақтида, сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш, қурувчилар учун хавфсиз меҳнат шароити яратиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шу билан бирга бугун вилоятда уй-жойлар ва якка тартибдаги қурилишлар кўлами кенгайиб бораётгани натижасида мазкур объектларда қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилишида камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ушбу йўналишда тегишли ташкилотлар томонидан назорат тадбирларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда вилоятимизда 2303 та қурилиш-пудрат ташкилоти рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 1090 таси тўлиқ қувватда фаолият кўрсатмоқда.

Сессияда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқовнинг камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи ҳам кўриб чиқилди.

Ҳисоботда вилоятда камбағалликни қисқартириш бўйича сектор раҳбарлари, иқтисодий комплекс ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тизимли ишлар натижасида йил бошидан буён "темир дафтар"га киритилган 47 770 та камбағал оиланинг 6857 таси доимий даромад манбаига эга бўлгани учун рўйхатдан чиқарилгани қайд этилган. Ўз навбатида пандемия даврида доимий даромадини йўқотган 4522 та оила рўйхатга киритилган. "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида жорий йилнинг 1 август ҳолатида камбағал оилаларга саховатпеша тадбиркорлар ва фуқаролар томонидан жами 36,4 миллиард сўмлик кўмак кўрсатилди. Қурбон ҳайити байрами муносабати билан республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан 10 минг оилага 1 миллион сўмдан, Президентимизнинг 2020 йил 30 июлдаги фармонига асосан 37541 муҳтож оиланинг 167 422 нафар аъзосига 220 минг сўмдан, жами 36,8 миллиард сўм бир марталик моддий ёрдам берилди.

Сессияда депутат **Юлдашев Шерали Мамараимович** халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудири лавозимига тасдиқланди. Шунингдек, котибият бош ва етакчи мутахассислари ҳам маъқулланди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан вилоят Кенгашининг қарорлари қабул қилинди.






## БУЛУНҒУР билан ХИТОЙ ҳамкорлиги қачон ривожланади?

Одатда ҳокимлар тўғрисида гап кетганда кўпчилик уларни китоб ўқимайди, деган фикр билдиради. Булунғур тумани ҳокими бунга вақт топа оладими? Туманда қайси соҳа ривожланмай қоляпти? Жамиятда юқори мавқега эга бўлиш афзалми ёки оддий ота? Булунғур тумани ҳокими Баҳодир БАҲРОМОВ билан суҳбатимиз шу ва бошқа саволлар атрофида бўлди.

Ҳоким шунингдек, пандемиянинг сабаблари ва оқибатлари ҳақидаги хулосалари билан ҳам ўртоқлашди. Булунғур туманида амалга оширилган учта ижобий ўзгариш ҳамда бу ўзгаришларнинг одамлар турмуш тарзига таъсирига ҳам тўхталди.

- Кейинги йилларда вилоятимизнинг бошқа туманлари қатори Булунғурда ҳам салмоқли ижобий ўзгаришлар рўй берди, - дея гап бошлади Б.Баҳромов. - Шу сабабли улардан айнан учтасини санаш бироз мушкул.

Хусусан, 2019 йилнинг 4-чорагида туманимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатадиган иккита саноат корхонаси ташкил этилди. Улардан бири Ўзбекистон ҳамда Буюк Британия тадбиркорлари ўртасида "Samarqand Garden Plast" қўшма корхонасидир. Бу ерда бир йилда 10 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (гилос, шафтоли, гул карам, брокелле, булғор қалампири) ни қадоқлаш лойиҳаси асосида 100 та янги иш ўрни яратилди. Корхона маҳсулотлари Хитой, Россия, АҚШ ва Германияга экспорт қилинади.

Яна шунча одам иш билан таъминланган иккинчи йирик лойиҳа "Хитой Беш бармоқ қурилиш материаллари" хорижий корхонасида 3 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, йилига 18 миллионта пишиқ ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

> **Умуман, туманда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича жуда катта лойиҳа амалга ошириляпти. Масалан, 2020-2022 йилларда 1 триллион 4 миллиард сўмлик 46 та лойиҳа ишга туширилиб, 1198 та янги иш ўрни яратилади. Мисол учун, "Булунғур Аббосбеги" масъулияти чекланган жамияти томонидан 1 миллион 50 минг долларга Туркиядан буғдойни қайта ишлаш асбоб-ускуналари келтирилди.**

"Green Agro Export" масъулияти чекланган жамияти Германия, Туркия ва Хитойдан 32 миллиард сўмлик 20 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш асбоб-ускуналари олиб келди. Жорий йил якунига қадар ишга тушадиган лойиҳа асосида 120 та янги иш ўрни яратилади.

*2-саҳифа* »»

## Мен Ватанни қанчалик севдим?

Кўп йиллик педагогик фаолиятим ва кўплаб асарларнинг муаллифи сифатида ўзимни маънавият ва маърифат тарғиботчиси, Ватанни севувчи инсон ҳисоблаб юрардим. Тарихчи олим Амриддин Бердимуродовнинг "Ватан ҳаққига муножот" китобини ўқиб, бу фикрдан сал ҳаддим пасайди ва аксинча, маънавият-маърифатга, унинг дошқозони бўлган Ватанимга муҳаббатим янада ошди, ўн чандон мустаҳкамланди.

Аввало, китобнинг ёзилиш услуби ҳақида икки оғиз.

Биринчидан, муаллифнинг Ватан ҳақидаги келтирган маълумотлари бир-биридан қизиқ, бир-бирини тўлдириб, мустаҳкамлаб боради. Иккинчидан, муаллифнинг ҳар бир фикри, Ватан ҳақида бераётган маълумотлари ҳаётий образларда гавдалантириладики, унинг бош марказида муаллифнинг ўзи эмас, сўзи туради. Ватанни севмоқ мавзусида бундай усулда ёзилган китобларни жуда кам учратасиз. Амриддиннинг ушбу китобини Заҳириддин Бобурнинг "Бобурнома" асарига, унинг ёзилиш услубига қиёслагим келди.

Китобнинг бошида муаллиф бир касбнинг ёки илмнинг бошини яхши тута олмаган ва натижада Америкага "Грин кард" ютиб кетган ва у ерда пул топиб бойиган бир йигитнинг Ватани ва ватандошларига бўлган беписандлигини кўриб ранжийди. Бошида менга, гўё китоб шундай инсонларга қарата панд-насиҳат тарзида ёзилгандай кўринди. Кейин билдимки, асосий мақсад ундай эмас. Китоб авваламбор, муаллифнинг ўз Ватанига бўлган муҳаббати, аҳд-у паймони, севги-каломидир. Ана шу олий тафаккурни, ғояни муаллиф ўша беписанд йигитга тушунтирмоқ, унинг юрагига ўт солмоқ истагида бўлади. Ва муаллиф ўзи билиб-билмаган ҳолда Ватанни севмоқ нима учун иймондан эканлигини ёрқин мисолларда, жонли воқеаларда, тарих ва замон кўзгуларида очиб беради, равон баён этади ва Ватан ҳаққига муножот қилади!

Китобда келтирилган асосий ғоялар ва ҳақиқат мазмуни қисқача қуйидагилардан иборатдир.

*4-саҳифа* »»

## Ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгаши

онлайн тарзда ўтказилди

Вилоят халқ таълими бошқармаси пандемия шароитидан келиб чиққан ҳолда халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашини онлайн тарзда ташкил этди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Саидаҳмад Усмонов ўқитувчилар учун яратилаётган имконият ва имтиёзларга тўхталиб, бунга муносиб меҳнат қилиш, жамиятда ўқитувчи обрў-эътибори, нуфузи малака ва тажрибасини оширишига боғлиқ эканини қайд этди. Афсуски, кейинги йилларда айрим ўқитувчиларнинг ўз устида ишламаётгани таълим сифати пасайишига олиб келганини танқид қилди.

- Бугунги кунда вилоятимизда жами 1247 та умумтаълим муассасаси бўлиб, уларда 719 минг 684 ўқувчи таҳсил олмоқда, - деди С.Усмонов. - Уларга 54 минг 535 нафар ўқитувчи-педагог таълим-тарбия беради. Умумтаълим мактабларини фан ўқитувчилари билан таъминлаш учун вилоят бўйича 197 нафар ўқитувчига эҳтиёж бор. Бу эҳтиёжни олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобидан қоплаш чоралари кўрилмоқда. Аммо ўқитувчиларимизнинг сифат таркибини яхшилаш борасида ҳам олдимизда жуда кўп вазифалар турибди.

Мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан янги ўқув йилида амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди. Унга кўра, фан ўқитувчилари ўртасида ўтказилаётган "Устозлар беллашуви"ни оммалаштириш, PISA, TIMSS, PIRLS халқаро тадқиқотларига тайёргарлик кўриш бўйича белгиланган 42 та таянч мактаб фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ўқитувчиларнинг билим салоҳиятини оширишга келишиб олинди.

Тадбирда дарсликлардаги муаммолар ва уларнинг ечими, педагоглар малакасини ошириш масалалари ҳам халқ таълими ходимларининг муҳокама марказида бўлди.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА.**

**ТАЙИНЛОВ**

**ЮСУПОВА Зарифа Абдусаломовна** – Жомбой тумани халқ таълими бўлими мудири.

**ҲОЖИҚУЛОВ Хуршид Қаҳҳорович** – Тойлоқ тумани халқ таълими бўлими мудири.

**ТУРҒУНБОЕВ Ўткур Бегимович** – Пайариқ тумани халқ таълими бўлими мудири.

КУН МАВЗУСИ

# БУЛУНҒУР билан ХИТОЙ ҳамкорлиги қачон ривожланади?



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

**- Сизнингча, тумандаги узоқ йиллардан буён деярли ҳеч нарса ўзгармаган соҳа қайси?**

- Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган кўплаб қарор ва фармонлар ҳудудларда, шу жумладан, Булунғур туманида ҳам ҳар бир соҳани ривожлантириш имконини бермоқда. Мисол учун, биргина ижтимоий соҳани оладиган бўлсак, унинг битта тармоғи, яъни мактабгача таълимда 2017 йил ҳолатига кўра 20 та давлат боғчасига болаларнинг қамрови атиги 12 фоизни ташкил этган. 2020 йилнинг биринчи ярмида 58 фоиз боғча ёшидаги болалар мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинди.

Айтиш мумкинки, соҳага эътиборнинг етарлича бўлмаганлиги сабабли, бир неча йиллар олдин ривожланган саноат тармоқларидан бўлган помидорни қайта ишлашнинг бугунги кунда саноатда улуши йўқ. Аммо кўп миқдорда маҳсулот етиштирилади. Шу сабабли соҳани қайта ривожлантириш борасида хорижий ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа таклифлари Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошидаги лойиҳалаштириш агентлигига тақдим этиб борилмоқда. Ўйлайманки, ушбу соҳада ҳам яқин келажакда албатта ижобий ўзгаришлар бўлади.

**- Бир кунлик иш тартибингиз қандай?**

- Одатий кун тартибимга кўра, дастлаб оила даврасида тонгги нонушта қилгач (афсуски, ҳар доим ҳам бундай имконият бўлавермайди), ишга келаман. Иш кунимни албатта топшириқлар, мурожаатлар ҳамда уларнинг ижроси билан танишишдан бошлайман.

Кун давомида белгиланган вазифаларни бирма-бир кўриб чиқамиз. Вазифалар мавсумга қараб ўзгариб туриши мумкин.

Менимча, бугун ҳар бир раҳбар иш кунини пухта режалаштириши лозим ва албатта, белгиланган вазифалар бажарилишига эришиши керак. Бусиз иложи йўқ.

**- Баҳодир Абдуллаевич кўчадаги мавқеидан ортиб, оддий ота бўла оладими?**

- Мен учун ҳар қандай даражадаги мавқедан кўра оталик вазифасини тўлақонли уддалаш муҳим. Албатта, халқ, раҳбарият ишониб топширган масъулиятли вазифадан фахрланиш лозим, қадрлаш керак. Бутун масъулият ва шу билан бирга жавобгарликни ҳис этган ҳолда бор куч-қувватимни, билимимни шу ишончни оқлашга сарф қиламан. Лекин бу оила иккинчи ёки учинчи даражали дегани эмас. Фарзандларим, невараларимни ҳар куни кўрмасам-да, кўнглимда ҳар бирининг ўз ўрни бор. Оила аъзоларимга, ҳоким сифатида эмас, аввало, оддий ота сифатида кераkман.

**- Қандай асарларни севиб ўқийсиз?**

- Ўйлашимча, инсоннинг ўзида мутолаага иштиёқ бўлса албатта вақт топилади. Мисол учун, ўтган дам олиш куни – якшанбада Исматилла Йўлдошевнинг "Қора фаришта" китобини 4 соатда ўқиб чиқдим. Асар вилоятимизда рўй берган реал воқеаларга асосланган. Яъни, ҳаётнинг ўзидан олинган.

Менга кўпроқ миллатлар, жамиятлар ҳаётида муҳим из қолдирган тарихий шахслар ҳаётига бағишланган асарлар ёқади. Шу кунларда Дурбек Қўлдошевнинг "Императорнинг туғилиши" (Бобурнинг болалиги) асарини ўқияпман.

**- Давлатимиз раҳбари 2019 йилда вилоятимизга ташрифи давомида Булунғур тумани билан Хитой ўртасида яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш топшириғини берганди. Бироқ вилоят саноатида Булунғурнинг мавқеи кўтарилмаётгандек, назаримда...**

- Аввало, вилоят миқёсида солиштирадиган бўлсак, Булунғур тумани саноати ривожланган туманлардан бири. Бу ерда ишлаб чиқариш, қайта ишлаш корхоналари, кластерлар мавжуд.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилда вилоятимизга ташрифи давомида Булунғур тумани билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, жумладан, чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича Хитой тажрибасини Булунғурда жорий этиш бўйича топшириқ берганди. Бу масалада кўп ўйладик ва мутахассислар билан бир нечта лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Хитойлик тадбиркорлар томонидан туманнинг географик жойлашуви, иқлими, шароитлари ўрганилиб, 2019 йил туманда "Samarqand Richland International Investment" хорижий корхонаси ташкил этилди. Ушбу корхонага чорвачилик агрокластерини ташкил этиш учун туманнинг "Ғўбдин" массивидан 2000 гектар лалми ер майдони ажратилди. Лойиҳани ишга тушириш борасида зарур ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда бир нарсага эътибор қаратиш лозим, гап унумдор, сувли ерлар ҳақида эмас, ўзлаштирилмаган, лалми ерларга сув (артезиан) қудуқларини қуриб, ўзлаштириш ҳақида кетяпти. Айни шу йўналишда маҳаллий "METIN GROUP IMPEKS" масъулияти чекланган жамиятига ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва чорвачиликни ривожлантириш учун минг гектар ер майдони ажратиб берилган. Лойиҳа 2021 йил 2-чорагида ишга туширилиши белгиланган.

**- Бугунги пандемиянинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида хулосаларингиз...**

- Бутун дунёда пандемиянинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилмоқда. Оқибатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, албатта, пандемия иқтисодиётга, ижтимоий ҳаётга салбий таъсир кўрсатмоқда. Лекин давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз томонидан пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш борасида қатор қарор ва фармойишлар қабул қилинганини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Пандемия сабаб турли катта-катта базм, маросимларни ҳам чегарадан чиқмаган ҳолда ўтказиш мумкинлигига жамоатчилик ўрганди. Ҳар биримиз санитария-гигиена талабларига, соғлом турмуш тарзига эътибор қаратишни ўргандик. Умуман олганда, пандемия камчиликларимизни кўрсатди ва бугунги ҳаётимиз, турмуш тарзимиз ҳақида чуқур ўйлашга мажбур қилди. Хатолардан тўғри хулоса чиқарсак, ўйлайманки, барчаси яхши бўлади.

**Ёқубжон МАРҚАЕВ**
**суҳбатлашди.**

*Суҳбатнинг тўлиқ шаклини қуйидаги* ***QR-код*** *орқали* ***zarnews.uz*** *сайтида ўқишингиз мумкин.*

---

Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармонида банк секторини тубдан трансформация қилиш бўйича тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилган.

## 59 та банк хизматлари маркази очилди: қандай ўзгариш бўлди?



Бунда молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш ва хизматлар сифатини ошириш вазифалари белгиланган.

Мазкур фармон асосида вилоятимиздаги тижорат банклари томонидан туманларда замонавий, ихчам ва кам харажатли банк хизматлари марказлари ташкил этилмоқда. Ҳозирда туманларда "Агробанк"нинг 28 та, "Трастбанк" 8 та, Халқ банкининг 7 та, "Туронбанк"нинг 4 та, "Асака банк"нинг 3 та, "Миллийбанк", "Микрокредитбанк" ва "Қишлоқ қурилиш банк"нинг 2 тадан, "Ўзсаноатқурилишбанк", "Алоқабанк" ва "Ипотека банк"нинг вилоят филиаллари томонидан 1 тадан банк хизматлари марказлари ишга туширилди.

Ушбу марказларда коммунал тўловларни қабул қилиш, касса, халқаро пул ўтказмалари, пластик карталарни очиш, аҳолига кредитлар ажратиш, 24/7 режимида ишловчи банкоматлар орқали маблағни нақдлаштириш ва бошқа банк хизматларини кўрсатувчи 59 та замонавий банк офислари аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда.

**Фаррух ШАКАРОВ,**
**Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси нақд пул муомаласини ташкил этиш бошқармаси бош иқтисодчиси.**

---

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши соҳада очиқлик, шаффофликни таъминлайди. Судларда иш юритиш тезкорлигини ошириш билан бирга одил судловга эришиш даражасини оширади.

## Судларга электрон мурожаат қилиш мумкин

### Аммо бунинг учун барибир шаҳарга келиш шарт



Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан судларнинг фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтириш дастури ишлаб чиқиш белгиланди.

Соҳада интерфаол хизматларни тақдим этиш мақсадида Олий суд томонидан «E-SUD» миллий электрон судлов ахборот тизими яратилган.

Ушбу тизим орқали судларга даъво аризаси, ариза, апелляция, кассация, назорат шикоятлари ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни электрон шаклда юбориш мумкин. Процессуал ҳужжатларни автоматик равишда яратиш, чақирув қоғозлари ва хабарномаларни тақдим этишнинг янги механизми жорий этилган.

Бундан ташқари, суд ишини кўриш доирасида жисмоний шахсларни хабардор қилиш тизими такомиллаштирилди. Судьялар ўртасида суд ишларини автоматик тақсимлаш йўлга қўйилган. Бироқ бугунги кунда ҳар қандай ахборот тизими ташқи ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари билан ўзаро ҳамкорликда ишламаса маълумотларни тезкор тарзда, реал вақт режимида олиш ва тақдим этиш имконияти чекланади.

Жумладан, "E-SUD"нинг бошқа ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграциясини таъминлаш зарур. Чунки, судларнинг ихтисослигидан келиб чиқиб, ижро ҳокимияти органлари ҳамда айрим савдо-саноат палатаси билан муайян низоларни ҳал этиш ёки қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан муносабатга киришади. Бу жараёнда суд ҳужжатлари алмашинувида тезкорлик, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш муҳим масала. "E-SUD" ахборот тизимининг фақат судлар фаолиятини тартибга солиш билан чеклангани эса суд ҳужжатлари ижросини реал вақт режимида амалга оширишга тўсқинлик қилади. Шу боис ҳар бир суднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, "E-SUD" ахборот тизимини электрон ҳукумат доирасида бошқа ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграциялашнинг мақбул ва самарали йўлларини ишлаб чиқиш зарур.

Бундан ташқари, "E-SUD" ахборот тизимининг самарали ишлашини таъминлаш учун чекка ҳудудлардаги алоқа ва интернет хизматлари сифатини ошириш зарур. Чекка ҳудудларда алоқа сифати талаб даражасида эмаслиги суд процессини видеоконференц-алоқа орқали ташкил этишда қийинчилик туғдирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, "E-SUD" ахборот тизимини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматларнинг аҳоли учун содда ва тушунарли бўлишига алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу эса суднинг очиқлигини таъминлаб, адолат ўрнатилишида муҳим ўрин тутади ва фуқаролар манфаатига хизмат қилади.

**Камолиддин ТЎХТАЕВ,**
**Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг раиси.**

---

*Газетада босилмади, аммо...*

## Умумий фойдаланишдаги ҳовли-жой бўлинмайди

Таҳририятимизга Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси 31-уйда яшовчи Ҳабиба Раҳимовадан шикоят хати келди.

Унда Ҳ.Раҳимова шу манзилдаги умумий фойдаланишда бўлган ҳовлининг бир қисмини Алишер Ҳамроев сотиб олгани, ўрнидан 1993-2007 йилларда ресторан, кафе ва бошқа бинолар қургани, ўртада жойлашган кириш-чиқиш йўлаги 315 сантиметр кенгликда бўлиб, сув, канализация, ҳожатхона борлиги, 2004 йида улар бузиб ташлангач, яшаш учун шароит қолмаганини баён этган. Шунингдек, Ҳ.Раҳимова кадастр идоралари умумий фойдаланишдаги ҳовлининг ўзига тегишли қисмини аниқлаб, кириш-чиқиш йўлаги масаласини ҳал қилиб беришда кўмак сўраган.

Ушбу мурожаатни тегишли тартибда вилоят "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонасига юбордик. Корхона бошлиғи Ш.Рўзиқуловнинг имзоси билан келган жавоб хатида қуйидагилар келтирилган:

*- Ушбу мурожаат вилоят "Ермулккадастр" ДК мутахассислари томонидан аризачи иштирокида жойида, архив ҳужжатлари асосида ўрганилди. Аниқланишича, Самарқанд шаҳар ҳокимининг уй-жойларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва алмаштириш бошқармасининг уй-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи 1993 йил 26 июндаги давлат далолатномасига асосан 6/100 қисми умумий фойдали майдони 29,97 квадрат метр учун фуқаро Ҳабиба Раҳимова номига собиқ техник инвентаризация бюроси (БТИ) томонидан ҳужжат тайёрланган. 1995 йил 7 августдаги ҳадя шартномасига асосан фуқаро томонидан қизи Мадина Зайниқуловага ҳадя қилинган. Ушбу шартномага асосан вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Самарқанд шаҳар филиали томонидан 2014 йил 9 июлда кадастр йиғмажилди тайёрланиб, Мадина Зайниқулова номига давлат рўйхатига олинган.*

*Ер кодексида фойдаланиш мақсадига кўра мустақил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси бўлинмайдиган ер участкаси ҳисобланиши белгиланган. Ер участкасини ушбу кодекснинг 10-моддасига асосан бўлишнинг имконияти бўлмаса, бундай ер бир неча юридик ва жисмоний шахслар томонидан биргаликда эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган ер участкаси деб эътироф этилади. Бу ҳол ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ҳужжатларида акс эттирилади.*

*Шу боис, фуқаро Ҳабиба Раҳимованинг қизи Мадина Зайниқулова номида бўлган Амир Темур кўчаси 31-уй-жойнинг 6/100 қисми фойдаланишда бўлган ер майдони натурада чегараларини ўрнатиш ҳамда умумий фойдаланишдаги ҳовли-жой ҳисобланади. Ҳовлини фуқаро номига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан бириктириб бериш тўғрисида Самарқанд шаҳар ҳокимлигига ва аризада кўрсатилган ноқонуний қурилишлар Самарқанд шаҳар архитектурасига юборилди. Фуқаролар ўртасидаги келишмовчилик юзасидан тегишли тартибда судга мурожаат қилиши тўғрисида тушунча берилди.*

---

COVID-19

## 1080 ЎРИНЛИ МАРКАЗДА жой етишмаётгани – МИШ-МИШ

Аҳоли орасида Самарқанд шаҳридаги коронавирусдан даволаниш учун ташкил этилган марказда беморлар кўпайиб, жой етмай қолаётгани ҳақида гап-сўз тарқала бошлади. Мухбирларимиз мазкур марказда бўлиб, у ердаги вазият билан танишди.

Беморлар спорт мажмуасида ташкил этилган 1080 ўринли даволаш ва тақсимлаш марказига олиб келинганида авваламбор ундан барча таҳлиллар олинади ва аҳволига қараб бўлимга жойлаштирилади.

– Келганимда касалим анча оғир эди, нафас олишим қийинлашиб, ўзимни ёмон ҳис қилаётгандим, - дейди А.Багиров. – Ўпкам текширилганда 50 фоиз зарарланиш, деган ташхисни эшитгач, кайфиятим тушиб, аҳволим баттар оғирлашди. Худди энди тузалмайдигандай, тушкун бўлиб қолдим. Врачлар дарҳол керакли муолажаларни амалга оширди. Аммо тушкунлигим сабаб аҳвол ўзгармаётганини айтишди ва бундай ҳолатлар жуда кўп бўлишини, агар руҳий жиҳатдан ўзимни ўнглаб олмасам саломатлигим қийин тикланишини айтишди. Яхши гаплар билан менинг кайфиятимни кўтаришга интилишди. Ҳақиқатан, кейин билсам, мен каби бу шифохонага тушганларнинг бир қанчаси даволаниб чиқиб кетган экан. Ҳозир аҳволим анча яхши. Эркин нафас олиш нечоғлик муҳим, қанчалик улуғ неъмат эканлигини ҳис қилиб ўтирибман. Шукур қилишдан чарчамайман, ҳамма ўзини асрасин экан... Кези келганда фарзандинг ҳам сенга қаролмай қолган бир пайтда бу ерда меҳнат қилаётган барча тиббиёт ходимларини бугуннинг қаҳрамонларига қиёсладим.

Айни пайтда марказда 600 нафар бемор даволанмоқда. Шу кунларда юртимизда бўлиб турган россиялик мутахассислардан бир гуруҳи Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Аҳмаджон Бобожанов, даволаш ва тақсимлаш маркази бош врачи Дилшод Бурхонов ҳамроҳлигида вақтинчалик шифохонада яратилган шароит, беморларни даволаш жараёни билан танишдилар.

Меҳмонлар бу ерда беморларни қабул қилиш тизимини кузатишди.

- Россиялик шифокорларнинг марказ ҳақидаги фикрлари ижобий, - дейди А.Бобожонов. – Даволаниш жараёнларига кичик ўзгартиришлар киритиб, оғир аҳволдаги беморларни даволаш бўйича ўз тавсияларини айтишди. Марказ қабул бўлими, аутсорсинг хизмати, дорихона, рентген, лаборатория фаолияти, шунингдек, беморларга берилаётган овқатларнинг сифатини юқори баҳоладилар.

# БЕҲБУДИЙ бизни кечирармикан?



Ҳаётий тажрибамда давлатнинг икки хил тизимида кўп ўзгаришлар, яхшисига ҳам, ёмонига ҳам гувоҳ бўлдим. Вазиятдан чиқиш мақсадида шошилинч тадбирлар кўрилгани, турли экспериментлар ўтказилгани ҳам бор гап.

Фақат халқ билан маслаҳатлашиб, етук мутахассислар, ҳатто халқаро экспертлар хулосасини олиб яратилган Ҳаракатлар стратегиясида мен чинакам халқпарвар концепция ва реал амалиётни кўрдим. Бу стратегиянинг босқичма-босқич, узлуксиз ва муштарак амалга ошиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотларнинг изчил боришини таъминлаяпти.

Истаган соҳа ходими қўлига қалам олиб, кейинги уч-тўрт йил ичида ўз фаолиятига халақит берган ва олиб ташланган (бекор қилинган) бюрократик тўсиқларни санаб чиқишининг ўзи кифоя. Иккинчи рўйхатга барча касб эгалари, хусусан, тадбиркорларга берилган имтиёз, имконият, янгиликларни киритинг. Энди одилона баҳо беринг: сал олдинроқ бундай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини тасаввур қилганмисиз?

Пандемия жуда катта шижоатимизга барибир салбий таъсир кўрсатди. Чунки глобал муаммолар ҳамиша инсониятни шундай синовга дучор этади. Бироқ Ўзбекистон раҳбарияти ана шу вазиятда ҳам ўзи бошлаган кенг қамровли ислоҳотлар йўлида собит турди ва туряпти ҳам. Хўш, бу собитликни биз нимада кўришимиз мумкин?

**Биринчидан,** халқаро талаб – пандемия шароитида карантин шартларини тўкис-тугал бажариш. Вирусдан ҳимояланиш ва касалликни даволашда халқаро ёрдам баробарида ички имкониятлардан фойдаланиш.

**Иккинчидан,** хориждаги ҳамюртларимизни олиб келиш.

**Учинчидан,** хорижда таҳсил олаётган ёшларни автоматик тарзда маҳаллий олий таълим муассасалари (ОТМ)га кўчириш, ОТМлар ўқув лабораторияларини замонавий ускуналар билан таъминлаш. Онлайн дарслар учун шароит яратиш. Пандемия даврида олимлар, муаллимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.

**Тўртинчидан**, электрстанциялар қувватини ошириш, сайёҳлик зоналарини барпо этиш. Қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кластерлар тизимини шакллантириш.

**Бешинчидан,** экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш. Тўқимачиликда брендлар яратишга киришиш. Пилла ҳосилини тўла қайта ишлашни йўлга қўйиш.

**Олтинчидан,** замонавий уй-жойлар қуриш. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» лойиҳаларини рўёбга чиқариш. Архив, статистика тизимини қайта ташкил этиш. Санъат ва маданиятдаги янги тартиб-қоидалар. Божхона ва стандартлаштиришдаги янгиликлар. Оила ва маҳалла тизимини такомиллаштириш. Барча соҳада электрон маълумот базасини яратишга киришиш.

**Еттинчидан,** суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар. Ёшлар парламентларини шакллантириш. Хусусий мулкни кафолатлаш.

Халқ тили билан айтганда, оғзимиздан чиққан истагимиз ўрганилиб, таҳлил қилиниб, муҳайё этиляпти. Ҳатто, хорижда ишловчиларни мамлакатда бепул касбга тайёрлаш, уларга четда қулай шароит яратиш чоралари ҳам белгилаб берилди.

Келинг, одилона таҳлил қилайлик, жорий йилнинг 230 куни ўтди. Халқига куюнчаклик билан меҳрибонлик қилаётган Президент деярли ҳар куни раҳбарлардан аҳволимизни сўраб турганини кўряпмиз. Жойларга бориб, аҳоли аҳволидан хабар олишга, янги лойиҳалар ижроси билан танишишга, деярли ҳар куни бугун ҳаётимиз учун зарур бирон соҳани таҳлил қилишга имкон топяпти. Ҳар гал нутқини бир хил якунлайди: «Биз халқимизни пандемиядан эсон-омон олиб чиқишимиз, иш билан, яхши ҳаёт билан таъминлашимиз керак. Давлат бу йўлда ҳеч нарсани аямайди».

Энди, ўзингизнинг фаолиятингизга сал четдан бир назар солинг. Эрталабдан кечгача нима ишни режалаштиряпсизу, нималарга эришяпсиз? 230 кунлик умрингизни нималарга сарфладингиз? Кимга ёрдамингиз тегди-ю ким сиздан нима ибрат олди?

Мен бу саволни бежиз ўртага ташламадим. Унга бериладиган жавоб ҳар бирimizнинг ҳаётга нуқтаи назаримизни белгилайди. Унга жавоб орқали мамлакатимиздаги ислоҳотлар моҳиятини англаймиз.

> **Тан олмоқ лозим, дунёни, атрофдаги воқеаларни англаш доимо осон кечган эмас, кечмайди ҳам. Негаки, унда ҳар ким ўз манфаатини ахтаради. Бундай пайтда турфа қарашларнинг, талабларнинг бўлиши табиий. Айтайлик, икки мансабдор бир-бири билан ўчакишади, кимдир лавозимидан ажралади, кимдир йиллар давомида оқиб келган даромадидан маҳрум бўлади. Қайсидир ношуд раҳбар ишга яхши мутахассисни эмас, қариндоши ёки совға берганни олади. Кимдир оилавий келишмовчиликдан азият чекади. Кимнингдир эса қисқа муддатда замона қаҳрамонига айлангиси келиб қолади.**

Хуллас, ҳамма даврда ҳам, ҳамма тизимда ҳам, ҳамма давлатда ҳам фаровонликка эришишда камчилик ва қарама-қарши манфаатлар бирга юради. Бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Худди ана шу нуқтада миллатнинг қаймоғи – зиёлилар зиммасига катта масъулият тушади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатяптики, миллат фидойилари аҳолини тўғри йўлга бошлашда, одамларнинг ўз тақдири учун масъулиятини оширишда катта кучга эга. Зеро, миллат тарихида жадид боболаримиз бундай жасоратни кўрсата олишган.

Ана шу жараёнга дунёвий нуқтаи назардан қараб кўрайлик. Жадидлар деҳқон ёки чорикор эмас, ўзига тўқ инсонлар фарзандлари, илмли, фикрли кишилар бўлишган. Улар жамиятга теран кўз билан қарашган. Бу қарашларни нималарда кўришимиз мумкин?

Уларнинг замонида ҳам ноҳақлик етарли бўлган: кимнингдир ери тортиб олинган, кимдир ноҳақ қамаб юборилган. Лекин улар бунақа жабр кўрганнинг қўлидан ушлаб, идорама-идора югурмаган. Муаммонинг сабабини қидирган. Чунки жамиятдаги камчиликни айтиб «уввос» солиш қаҳрамонлик эмас, жаҳолат эканини англаб етишган.

Улар миллатни маърифатли қилиш ҳисобигагина яхши ҳаёт қуриш мумкин, деб ўйлаган. Натижада миллат болалари учун замонавий мактаб қуришган, алифбодан тортиб барча дарсликларгача ўзлари ёзган, чоп этиб, мактабларга беришган. Бунинг учун тил ўрганишган, қўлланмаларни таржима қилишган. Иқтидорли болаларни хорижга ўқишга юборишган.

Чор ҳукумати улар очган газетани неча марта ёпиб қўйса, яна шунча марта бошқа ном билан чиқараверган: қийналдик, деб «дод-вой» қилишмаган. Дунёдаги аҳволни таҳлил қилиб, одамларга сиёсат моҳиятини тушунтиришган. Уйини, ҳовлисини мактабга бўшатиб берган. Бизда эса профессорнинг ойлик маошини 15 миллион сўмга ошириб қўйишса-да, яна пора оляпмиз, таъна қиляпмиз. Муаллимларга пандемия шароитида ойлик маошини сақлаб туриб, тағин моддий ёрдам кўрсатилса-да уларнинг айримлари бир-бирининг устидан (эҳтимол, бекорчиликдандир) мағзава тўкиб, аризабозлик қилиб юришибди. Уларни Шакурий, Авлоний авлодлари дейишга тилим бормайди.

Газета тахламларини варақлайман. Жадидлар мақолаларини ўқийман (Надоматлар бўлсинки, аксарият зиёлиларда бунга вақт, ҳафсала, иштиёқ топилмаяпти). Бирор жойида нолиш йўқ. Миллатни маърифатга, бирлашишга чорлашади. Мисол учун, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қозоқ биродарларга мактубини олинг. Биз эса сал мансаб ёки манфаат тегмаса, миллатчилик қилишдан уялмаяпмиз. Энг ёмони, жамиятимизда ўзини оқлашга уриниш деган иллат тарқалди. Эътирозни қабул қилиш ўрнига, муаммо четда қолиб, фикр билдирган одамни ёмон кўришни ўргандик. Раҳбарни танқид қилиб, «обрў» орттиришга одатландик.

Бугун жамиятда мулоқот, мунозара, баҳс учун ҳамма шароит яратилган. Ижтимоий тармоқлардан ташқари, давлат телерадиоканаллари, газеталари ҳам барчага бирдек очиб қўйилди. Аммо ҳамон бу минбардан ҳаётда омади чопмаган ёхуд ҳақиқатдан ҳам адолатсизлик туфайли жабр кўрганлар овозини эшитяпмиз. Ҳақиқий зиёлилар айни шу шароитда аҳолига давлат сиёсатининг моҳиятини тушунтириб, одамларни иллатларга қарши ҳамкорликка чорлаши, халқдаги бунёдкорлик хислатни кучайтиришга хизмат қилиши керак эмасми? Ваҳоланки, онгу шууримиздаги, турмуш тарзимиздаги қусурларни гап билан, ваъда билан бир кечада бартараф эта олмаслигимизни биламиз-ку! Эътироз билдираётганлар ёнига кириб, бугунги сиёсат моҳиятини тушунтириб, муаммосини енгиллатишга ёрдам берсак бўлмайдими?!

Маҳмудхўжа Беҳбудий «Муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки қўлидур» деган эди. Самарқандлик яна бир адабиётчи Сайдулла Мирзаев «Олим ва зиёли – миллат маънавиятининг юзи» деб ёзган. Зиёли фақат муаллим ва олимгина эмас, бугун шифокору инженер, қурувчи, ҳатто талаба ҳам зиёли. Катта кучмиз. Шундай пайтда ҳар биримиз ўз оиламизда, маҳалла ва жамоамизда одамларга Янги Ўзбекистонда қилинаётган ишлар, Янги Ўзбекистон кўзлаётган марралар ҳақида гапирсак, Ватан ҳақида тасаввуримиз янада ёрқин, маънавиятимиз эса бой бўлади, деб ўйлайман. Нима дейсиз, азиз зиёлилар?

**Фармон ТОШЕВ.**

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

**ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!**

Иштихон туман ҳокимлиги қайта ташкил этиш комиссияси томонидан тумандаги «Бойлар техника» ММТП ҳудудидаги туман захираси ҳисобида бўлган 390, 401, 254, 261, 258, 259, 260, 263, 328, 327, 329, 276, 274, 277, 275, 262, 400, 394, 399, 385, 257, 306, 289, 280, 307, 294, 300, 286, 284, 282, 319, 281, 315, 317-рақамли контурлардаги жами 159,93 га. ер майдонларида пахта ва ғаллачилик йўналишида фермер хўжаликлари ташкил этиш учун танлов ўтказилишини маълум қилади. Аризалар газетада эълон чоп этилгач, ўн кун мобайнида қабул қилинади. Танловга оид барча масалалар юзасидан туман қайта ташкил этиш комиссиясига мурожаат этишингиз мумкин.

**Манзил: Иштихон туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими биносининг 2-қавати. Телефон 66-629-25-45.**

* * *

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 4 февралда 1134266 реестр рақами билан рўйхатга олинган Умиев Элдар Алиевич якка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Умиев Э.А. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 21 августдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Беруний кўчаси, 39-уй.**

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 530377902.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2018 йил 16 июнда 615457 реестр рақами билан рўйхатга олинган "YANGI TA'MIR STROY" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "YANGI TA'MIR STROY" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 21 августдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри М.Ҳайдаров кўчаси, 26-уй, 12-хона.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 305599793.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 3 декабрда 786839 реестр рақами билан рўйхатга олинган "TO'RAQULOV KAMOL SAVDO" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "TO'RAQULOV KAMOL SAVDO" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 21 августдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Суғдиёна маскани, 21-уй.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306912079.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2017 йил 30 ноябрда 626164 реестр рақами билан рўйхатга олинган Нарзикулов Комил Негматович якка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Нарзикулов К.Н. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 21 августдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 60-уй, 1-хона.**

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 601385097.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 18 августда 882187 реестр рақами билан рўйхатга олинган "FARRUX SAVDO MARKAZI 1" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "FARRUX SAVDO MARKAZI 1" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 20 августдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Панжакент кўчаси, 183-уй.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307649515.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Каримов Кобил Зарифовичга (2020 йил 18 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасида марҳум Исмаилова Минаварга (2007 йил 26 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасида марҳум Файзиева Тамара Мардановнага (2018 йил 31 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Сайдукова Роза Хасановнага (2011 йил 25 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Муратов Зайерга (2012 йил 28 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола нотариал идорасида марҳум Габбасов Каримга (2013 йил 8 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасида марҳум Халжигитов Марат Кучимовичга (2018 йил 18 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасида марҳум Лозовик Лидия Ивановнага (2020 йил 17 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 17-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд банк коллежидан 2014 йилда Ашурова Мехрибон Шавкат қизи номига берилган рўйхат рақами 433, К № 3198808 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 68-умумий ўрта таълим мактабидан 2014 йилда Норбобоев Фирдавс Зиёвиддин ўғли номига берилган U № 6404172 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2006 йилда Нурбаев Олим Аралбаевич номига берилган B № 257056 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 8-мактабдан 1968 йилда Паянова Рўзигул номига берилган № 544294 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан 2018 йилда Каримова Мунавар Хайиткуловнага қарашли Самарқанд шаҳри Чилқудуқ маҳалласи, Шодиобод кўчаси, 44-уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари тўплами ва шу уйнинг уй дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги "BAXT SEVINCH DALASI" фермер хўжалигининг (СТИР: 307230674) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 83-ўрта мактабдан 1994 йилда Рахмонова Ханифа Саматовна номига берилган А № 624701 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 6-ўрта мактабдан 1990 йилда Мадиев Ғайрат Ғаниевич номига берилган № 249267 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Равшанов Бахромбек Дамирович номига берилган ТМ № 0204493 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «AL-NAJMI» масъулияти чекланган жамиятига тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан 2004 йил 12 мартда 315 рақам билан рўйхатга олинган завод рақами 340972 бўлган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд гидромелиорация техникумидан 2000 йилда Ачилов Қахрамон Закирович номига берилган № 387374 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги Норқулова Шоира Абдиевна якка тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 574020359) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги Абдиев Сухроб Ражабоевич якка тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 536234481) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 25-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Курбанов Санжар Собирович номига берилган O'R-A № 1740413 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2006 йилда Раимова Шохиста Саидмуродовна номига берилган рўйхат рақами 1312, B № 257652 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2014 йилда Жалматова Динора Шухрат қизи номига берилган U № 6423624 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 48-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Гулямова (ҳозирда Исомидинова) Озода Гуляммирзоевна номига берилган U № 1689717 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Раззакова Юлдуз Курбонбоевна номига берилган O'R-Z № 1302525 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

**ТОПГАНГА МУКОФОТ!**

Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасидан 2017 йилда Эргашов Бекзод Бахтиёровичга берилган 7334 рақамли пенсия гувоҳномаси Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефон: +99897-921-27-00.**

# Мен Ватанни қанчалик севдим?

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Ватан Она каби муқаддасдир! Она эса Ватан каби. Инсон онасини бой ёки камбағаллигига қараб эмас, онаси бўлганлиги учун севади. Бас шундай экан, инсон ўз Ватанини бой ёки камбағаллигига қараб эмас, балки туғилиб ўсган Ватани бўлганлиги учун севиши керак. Ватанни севмаслик эса унга хиёнатдир! Ўз ватанини севмаган одам ҳеч нарсани сева олмайди.

"Ватан, бу – маълум бир ерда яшаган халқлардан авлодларга мерос бўлиб ўтган муқаддас тупроқдир. Биз яшаётган кулба, қаср, қишлоқ ёки шаҳар ҳам шу тупроқдан бунёд бўлган. Шу тупроқ бизни кўтариб туради, ризқ-рўз беради, вафот этганларни ўз бағрига олади", деб ёзади А.Бердимуродов.

Тўғрисини айтсам, китобни ўқишим чоғи баъзан кўнглим бўшаб, кўзларим намланди.

Ҳа, бутун инсоният ва ҳайвонот ҳамда наботот оламининг тириклиги ҳам шу тупроқ – ер билан боғлиқдир. Ҳаёт тупроқсиз, сувсиз бўлмайди. Кимки ва нимаики ерсиз яшай олмаса, у шу ер озуқаси – сувсиз ҳам яшай олмайди. Барча ер ости ва ер усти бойликлари ҳам шу Ватанникидир. Шуни билингки, биз севган Она Ватанимизнинг жон томирлари бор. Бу жон томирлар нафақат тупроқ, сув, ҳаво ва қуёш, балки ота-оналаримиз фарзандларига, бобо-бувиларнинг набира ва эвараларига берадиган ўгитлари, панд-насиҳатлари ва ҳикматли сўзларидир.

"Ватаннинг яна бир жон томири, шу Ватанда яшаётганларнинг инсофли, диёнатли, қаноатли бўлиши, бир-бирини қадрлаб, бор куч-ғайрати, меҳр-муҳаббатини шу Ватанга бағишлагани, ундан озуқа олгани бўлса керак", дейди муаллиф.



Маҳдуми Аъзам Даҳбедий, "Ватан – инсон қалбига жойлашган бутун бир мамлакатдир" деб ёзган экан. Бироқ инсон қандай қилиб ва қай ҳолатда ўз қалбига ўша бутун бир мамлакатни, яъни Ватанини жойлаштира олади? Жавоб: қачонки, у Ватанини дилдан севса. Хўш, қачон у Ватанини дилдан сева олади? Жавоб: қачонки, у шу Ватанда ўз бахтини топа олса! Савол: Бахт нима ўзи? Бахт – бу, шу Ватанда туғилиб ўсишинг, тарбия ва таълим олишинг, оила қуриб фарзанд кўришинг, соғлигинг ва касби-коринг, меҳнатсеварлигинг, оилангни, касбингни севишинг, уни ардоқлашинг, қадрига етишинг, садоқатинг, меҳрибонлигинг, майин мулоқотинг ва табассумингдир.

Ватанни севмоқ учун унинг тарихини билмоқ керак. Кимки ўз Ватанининг тарихини билса, унинг сарҳадлари-ю "сиймосини" тасаввур қилса, аждодларининг кимлигини ва улар шу Ватан учун қандай буюк ишларни амалга оширганини, бизга қолдирган моддий ва номоддий меросини, маданият ва тамаддун асосларини, қадрият ва урф-одатларни билса, тушунса ўшандагина ўзлигини, ўз ҳаққини била олади. Ўзлигини, ўз ҳаққини ва Ватан ҳамда ватандошлари олдидаги бурчини билган одамгина Ватанини сева олади! Ватанини севмаган одам ўзини ҳам сева олмайди. Китобни ўқир эканман, Ватан ҳаққига ёзилган муножот, ҳақиқат менда ана шундай гавдаланди.

Ватанни севмоқ иймондандир. Нима учун? Амриддин Бердимуродовнинг китоби бу саволга батафсил жавоб беради ва муаллиф ўзи мисолида Ватанни қандай севмоқ кераклигини ҳам бир йўла тушунтириб беради.

Китобни ўқиб чиқиб, ўйлаб қолдим. Хўш, мен бир ижодкор педагог олим, меъмор, ёшлар мураббийси сифатида Ватанни қанчалик севдим, фуқаролик бурчим кабими ёки ундан зиёдроқ тарздами? Барчамиз, шоирлар, ижодкорлар, педагоглар, олимлар, арбоблар, ватандошлар Ватанни севамиз деймиз. Шоирлар шеър ёзади, ёзувчилар қисса, роман, олимлар илмий кашфиётлар қилади, тадбиркорлар яратади, бунёд этади... Хўш, мен Ватан учун нима қилдим, уни қандай севдим?

Мен меъморчилик сир-синоатларини ёритишга қаратилган 30 га яқин китоб ёздим. 2 нафар фан номзодини, 8 нафар архитектура фанлари бўйича фалсафа докторини тайёрладим. Китобларнинг қай бирларини талабалар учун, бошқаларини эса ўша талабаларни ўқитадиган домлалар, мутахассислар учун ёздим. Улар орасида илмий-оммабоп тарзда ёзилган, оддий халққа, зиёлиларга мўлжалланган, ўз Ватанини севган, уни улуғлаган, Ватанни деб завқ-шавқли ҳамда изтиробли даврларни бошидан кечирган, заҳмат чеккан улуғ инсонларнинг ўз Ватани, халқи учун бажарган улкан бунёдкорлик, шаҳарсозлик, меъморчилик маданият ва санъат ривожига бағишланган китобларим ҳам бор.

Мен бу китобларни юртимнинг қишлоқлари-ю шаҳарлари, кенг далалари, боғу-бўстонлари, тоғу-тошлари, сўлим гўшалари, кўлу-дарёлари, саҳро-ю кабирлари, чўлу-даштлари, сарҳадларини, энг муҳими, шу Ватанда яшаб меҳнат қилаётган инсонларни, ёш-у кексаларни, Ватан фидойиларини кўриб ёздим. Улар билан танишдим, дўстлашдим, суҳбатларини олдим.

Яна шуни англадимки, сен туғилган, сенинг фарзандларинг, аждодларинг туғилиб ўсган, яшаган ва яшаётган Она Ватанни севишни амалда кўрсатишинг, исботлашинг керак экан. Шунда у сенга ўзлигини чиройини очар ва сенда уни севиш ҳисси пайдо бўлар экан. Амриддиннинг муножотини ўқиб ушбу фикрларни қалбимга такомил этдим.

Амриддин Бердимуродовнинг эссени "Китобимни фақат бир ниятда, табаррук Ватаним – Ўзбекистонни улуғлаш ва улуғлаттириш, севиш ва севдириш, қадрлаш ва қадрлаттириш учун ёздим", деб тугатади.

Шу ўринда бир таклифим бор. Ҳар йили мамлакатимиз мустақиллиги байрами муносабати билан "Энг улуғ, энг азиз!" танлови ташкил этилади. Мен ушбу китобни мазкур нуфузли танловга қўйилишини истайман. Зеро, айнан "Ватан ҳаққига муножот" каби китоблар ушбу нуфузли танловда эътироф этилиши зарур.

**Аҳтам ЎРОЛОВ,**
**меъморчилик фанлари доктори, профессор.**

*Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг*

## Клон бузоқ



Россияда Федерал чорвачилик илмий тадқиқот марказида клон бузоқ яратилди. Бунинг учун олимлар сигир сутида асосий аллерген ишлаб чиқишга жавоб берадиган генни ўчирдилар. Бу аллергияси борлар учун хавфсиз сут берадиган сигирларни кўпайтириш имконини бераркан.

Марказда келажакда бошқа ҳайвонларни, масалан, итлар, мушукларни ҳам клонлаштириш кўзда тутилмоқда. Мақсад касалликларга бардошли ҳайвонлар яратиш.

## Уралда эҳром топилди



Сунъий йўлдошдан олинган суратда Уралда эҳром аниқлангани ҳақида интернет хабар тарқатди. Сурат уни топган экспедиция клуби раҳбарининг изоҳи билан берилган: «Биз маршрутга тайёргарлик чоғида пирамидага дуч келдик. Ўз шаклига кўра у Мисрдаги Хеопс эҳромининг худди ўзи. Фақат ҳар бир қиррасининг узунлиги салкам бир километр. Қирралар дунё томонларига қараб аниқ жойлашган».

*АиФ (2020 й, 26-сон).*

**Т.ШОМУРОДОВ тайёрлади.**









Zarafshon
Самаркандский вестник

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 10 815 нусхада чоп этилди. Буюртма 467

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.


Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009